

2013 йил — Обод турмуш йили

МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш» лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тадбиркорга имтиёзли микрокредитлар ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмаларини ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун махсус таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини эгаллаш бўйича «Ўз оилавий келажак» тренинглар ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандларни бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-хўнарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, авваламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг бандчилигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзинида ишлаб чиқарилган ва ўзқўлдан фойдаланиладиган маҳсулотлар техника ҳамда товарларни харид қилиши учун истеъмолад кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгилаштириш, қўндалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож турмуш кураётган ёшларга никоҳ тўйларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини ҳам тошмала ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик

кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришган хотин-қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серқирра қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тадбирлар режалаштирилган. Бу борада аниқлашга айланган «Йил аёли» миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърли тўпلامлари чоп этилади. Иқтидорли ёш олим хотин-қизлар ва илмий тадқиқотчилар ўртасида «Илм юлдузлари» танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилади. Ўрта махсус, касб-хўна ва олий таълим муассасаларида «Ораста қизлар» тўғрақлари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада омаллаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжонлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантикий давомидир. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳар бир оилада фаровонлик ва умуман, юртимиз раънақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

(ЎЗА)



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

Баҳор ўз тароватини кўз-кўз қилиб турган, замин кўм-кўк либосга бурканиб яшайётган, борлиқ ифорга тўлиб муаттар қиллар таратаётган баҳорнинг дастлабки кунларида Мустақиллик майдони шаҳримизнинг энг гўзал, нурафшон масканларидан бирига айланади.

Пойтахтимизнинг кўрам гўшаларидан бўлган ушбу майдон юртимиз фуқаролари учун жуда муқаддас ва қадридир. 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида хотин-қиз ҳарбий хизматчилар Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, нурафшон истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди.

— Баҳор фасллар ичида энг нафосатли, энг гўзал, шу билан бирга қатор байрамларнинг қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди оддий аскар Комила Олимжонова. — Биз хотин-қизлар кундалик ҳаётда, касб соҳамизда ва оилада аёллик назокатини унутмаган ҳолда барчага ибрат бўлишга, ўз вазифаларимизни урдашга интиламиз. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида анча йиллардан бери ишлайман. Турмуш ўртоғим эса ички ишлар соҳасида фаолият юритади. Аёл зоти қандай касбда ишлаганини ўзигидан кечмай, хоҳлаган соҳани эгалай олади, деб баралла айта оламан.

— Бизни оиламизни ҳарбийлар оиласи, дейишса муболаға бўлмайди, — дейди оддий аскар Ойбахор Сунонова. — Негаки ҳаммамиз ҳарбий хизматчиларимиз. Турмуш ўртоғим шу соҳада нафақага чиққанлар. Ўғлим ҳарбий хизматда. Бугун бу ерда ҳарбий форма кийган касбдошларимни кўриб қалбим фаришадаси бўлиб турди. Мамлакатимиздаги барча аёлларга бахт, омад, саломатлик ва куч-ғайрат тилайман. Гўзаллик фасли баҳор барчамизга қувончлар олиб келсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Ёшларнинг инновацион лойиҳалари самарадорлиги таҳлили» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таълим

ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРИ

тилида ёритилиши», «Ўзбекистонда тежамкор ресурслар технологияларидан фойдаланиб қўйлақбоп мато яратиш», «Йирик шаҳарлардаги турар жой муҳитининг тарихий ва этнографик реконструкцияси хусусиятлари бўйича тақлифлар Тошкент шаҳри мисолида», «Янги универсал ўзбек

миллий автомобили», Ўзбекистон тарихини ўқитишда «Ўзбекистон тарихи» каби масалалар бўйича ўзбек, рус, инглиз тилларидаги маърузалар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Давра суҳбати давомида қизгин фикр алмашувлар бўлди.

Хусан АБДИЕВ

Истеъмолад бозорини ҳам мамлакатимизда, ҳам хорижда ишлаб чиқарилган мебель маҳсулотлари, тадбиркорлар томонидан Ўзбекистонга олиб келинадиган, мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар билан тўлдириш давлатимиз иқтисодиётининг узвий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимиз бозорларида конструкцияси, дизайни, фойдаланиладиган материалларига кўра ранг-баранг мебель маҳсулотлари турлари мавжуд. Бозорни хавфсиз ва сифатли моллар билан таъминлаш — давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Яъни, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтириладиган маҳсулотлар истеъмолчилар соғлиғига зарар етказмаслиги лозим.

2010 йилдан буён фаолият кўрсатиб келатган «TEST MEBEL» сертификатлаштириш идораси ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадларни қўзлаган ҳолда мебель, ёғоч пайрахали ва ёғоч тўқимали плиталар, елимланган фанераларни сертификатлаштириш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Мақсад — истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини сифатсиз ва саломатлик учун хавфли бўлган маҳсулотлардан ҳимоя қилишдан иборат.

1993 йилдан бошлаб республикамизда сертификатлаштириш бўйича бир неча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуни шулар жумласидандир. Ушбу қонун амал қилган 20 йил давомида тадбиркорлар учун маҳсулотларни сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштирувчи қўлай шарт-шароитлар яратилган.

2004 йилнинг июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 318-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжати қабул қилишдан мақсад тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитларни яратишдан иборат. 2005 йилнинг мартида Республика

Адлия вазирлиги томонидан «Маҳсулотларни сертификатлаштириш қондалари» рўйхатга олинди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган 2011 йилнинг 28 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 122-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудида олиб қилинадиган, сертификатлаштирилиши шарт бўлган

СИФАТЛИ МЕБЕЛЬ — ХОНАДОНИМИЗ ЗИЙНАТИ

маҳсулотлар рўйхатига аниқлик киритилди. Ушбу рўйхатга ёғоч пайрахали ва ёғоч тўқимали плиталар, елимланган фанералар ва мебель кириди. 2011 йилнинг 1 майдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлар турларини (мебель) хабар қилиш орқали сертификатлаштириш тартиби жорий қилинди.

2012 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 379-сонли қарорининг 1-илоvasи тасдиқланди. Унда гигиеник сертификатлаштирилиши (санитар-эпидемиологик хулоса орқали) шарт бўлган товарлар рўйхати белгиланган. Ушбу рўйхатга ёғоч пайрахали ва ёғоч тўқимали плиталар, елимланган фанералар, мебель ҳам киритилган. «TEST MEBEL» сертификатлаштириш идораси ҳам ушбу асосий меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда иш юритади.

— Биз Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизимига мос бўлган ички ҳужжатларни ишлаб чиқдик, — дейди қорхона раҳбари Гулнора Исмолова. — Ушбу ҳужжатлар истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилишга, сертификатлаштириш ишларини белгиланган муддатда ва арзон нархларда бажаришга, сифат менежменти тизимини тақомиллаштиришга қаратилган.

Маҳсулотни мустақамлиги жиҳатидан ва механик синовдан ўтказиш сифатнинг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Сертификатлаштириш идораси аккредитация қилинган мебель марказига эга. Бу ерда барча турдаги мебеллар ва ёғочни қайта ишлаш маҳсулотлари синовдан ўтказилади. Синовлар соҳа мутахассислари томонидан давлатлараро ва миллий стандартларга мос услублар бўйича амалга оширилади. Уларнинг натижаларига кўра синов баённомалари ва мувофиқлик сертификати берилади.

— Кўпалаб мижозларимизнинг маҳсулотларига ҳам Ўзбекистоннинг ички бозорларида, ҳам МДХ мамлакатлари бозорларида талаб катта, — дейди Г.Исмолова. — «ХАМЖАТ МЕБЕЛ» ХК, «KENG MAKON» МЧЖ, «KENG MAKON PLYUS» МЧЖ, «ETIQOD» МЧЖ, «NEW STYLE MEBEL» МЧЖ, «YOSHUK» МЧЖ, «ITTIQOD» МЧЖ, «ISTIROXAT SJ» МЧЖ, «INARDI» МЧЖ, «BMB ISHONCHU BIZNES» МЧЖ, «ART FURNITURE» МЧЖ ХК каби қорхоналар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлар, мебель ишлаб чиқарувчилар ва ёғочга қайта ишлов берувчиларни «TEST MEBEL» МЧЖга ҳамкорликка таклиф қиламиз. Манзили-

миз қуйидагича: Сергели тумани, Саъдий қўчаси, 6. Телефонлар: 250-49-38, 361-54 - 41. Кўрсатилган хизматлар тарифлари билан қуйидаги сайт орқали танишишингиз мумкин: testmebel.uz

Эл. почта: test_mebel@mail.ru.

«TEST MEBEL» масъулияти чекланган жамияти жамоаси юртимизнинг барча аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳамда мунтазам ошмоқда. Ўзбекистонда Япония сармоясини иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма қорхона, ушбу мамлакатнинг 14 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатаётди. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, саноат, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, энгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

Маҳаллада юқори технологиялар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш соҳаларидаги ҳамкорлик катта истисқолга эга экани таъкидланди.

— Кўмиталар ўз фаолияти давомида Япония билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришди, — деди «Марубени Корпорейшн» компанияси вице-президенти, кўмита ҳамраиси Мамору Секияма. — 2012 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Бу давр мобайнида давлатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда мустақам ҳамкорлик алоқалари қарор топти. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун мамлакатларимиз сайёҳаракатларини янада фаоллаштириш зарур, деб ўйлайман.

Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хўсуслилаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма қорхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳамкорлигини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳоама қилинди.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда «Ангрен» махсус индустриал зонасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг макроекотисодий ривожланиши, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва унинг ривожланиш истиқболлари, сармоявий муҳитни тақомиллаштириш чора-тадбирлари ва Япония компанияларининг Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки, мамлакатларимизнинг нефть-газ, кимё саноати, автомобилсозлик, электр техникаси ва тўқимачилик соҳаларидаги ҳамкорлиги истиқболларига бағишланган маърузалар тингиланди ва муҳоама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА МАЛАКАСИ ОШМОҚДА

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар бўлими ва туманлар бўлиналари томонидан фуқаролар йиғинларига қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини амалга оширишда услубий ва амалий қўмак бериб келинмоқда. Аини пайтда фуқаро вазифани самарали бажариш тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимдан юксак билим ва малака талаб этилади.

Пойтахтимиздаги «Маънавият ва маърифат» марказида бўлиб ўтган семинар ҳам шу масалаларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизими ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланди.

«Маҳалла» жамоат фонди ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур семинарда Маънавият тарғибот маркази, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар ва дин ишлари бўйича кўмиталар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, олий таълим муассасалари, Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ва бошқа бир қатор қорхона ҳамда ташкилотларнинг ходимлари иштирок этди.

Семинарнинг биринчи кунда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўнғулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоблари ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадиимиздир» номли маърузасининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоя ва устувор вазифаларини фонднинг бўлими ва бўлиналари ходимлари томонидан маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиниши самарали ташкил этиш чора-тадбирлари муҳоама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг моҳияти, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида атофилча маълумот берилди. Фуқаролар йиғинлари ходимларига фуқаролар муносабатларини кўриб чиқиш ҳамда маҳаллани хўсуслий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фонднинг туман бўлиналари томонидан услубий-амалий қўмақлаштириш қаратилган чора-тадбирларни янада тақомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўқув машғулотлари давомида маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизминини кўнғулаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий қўмақлаштириш янада кўнғулаштириш хўсуслида сўз юритилди.

Семинарнинг иккинчи кунда «Маҳалла» жамоат фонднинг қўйи тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳужжатлар билан ишлаш, иккун иштироки ва иш юритишининг тартиб-таомиллари ҳамда мазкур йўналишда фуқаролар йиғинларига услубий қўмақлаштириш, фонд ходимларининг хизмат вазифалари ва улар иккунини таъминлаш бўйича иштирокчиларга зарур тушунарлар берилди.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви муносабатларини тақомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги масалаларни амалга ошириш тартиб-таомиллари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ота-оналарнинг баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги билим ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қoшида ташкил этилган «Ота-оналар университетлари» фаолиятини тақомиллаштириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ваколатли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандчилигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда мазкур йўналишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масалаларига услубий ёрдам бериш, маҳаллаларда миллий урф-одатлар асосида тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни замон талабларига мувофиқ исҳам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тарғибот-таъшиқот ишлари самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари фаолларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш масалалари муҳоама этилди.

Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида, замонавий интерактив мулоқотлар тарзида ўтказилган ўқув машғулотларида иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Абдувоҳид СОБИРОВ

Шаҳримизда баҳор фаслининг илк кунлариданоқ ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчатлар экиш ва дарахтларга шакл бериш ишлари қизиб кетди. Яъни, «Ободонлаштириш ойлиги»да қай бир маҳаллага борманг қизгин юмушларнинг устидан чиқасиз.

Обод шаҳрим — озода шаҳрим

МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам хайрли ташаббус билан чиқиб, маҳаллаларда барча туманлар ҳудудидан оқиб ўтаётган дарё ва каналлари тозалаш ишлари амалга оширилди. Яъни 11 та тумандаги «Миршор», Ҳ.Бойқаро, «Бектемир», Баротхўжа, «Кўйлик ота», «Файзиобод», «Салор», «Катта Қорасув», «Олтинтепа», «Нўғайқўрғон», «Намуна», «Чилтўғон», «Пахтакор», Журжоний, «Янги шаҳар», «Кўкча», «Богкўча», «Олмазор», «Новза», «Обод», «Дамарик», «Қушбеги» каби маҳаллаларда Бектемир, Баротхўжа, Салор, Қорасув, Шошарик, Қичқирик, Кайковус, Бўзсўв, Толарик, Қонкус каналлари турли чикинди ва шох-шаббалардан тозала-

ниб, қирғоқлари текисланиб, янгиҳа қиёфа касб этди.

Миробод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасаруфидидаги барча таълим муассасаларида «Обод турмуш йили» муносабати билан «Ободлик кўнгилдан бошлади» шиори остида ҳар ойда «Маънавият ҳафталиги» ўтказилиб, ҳафталик давомида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Ушбу тадбирлар доирасида таълим муассасаларидаги дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни текислаш, тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чикиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва чиқариб ташлаш, таълим муассасаларининг ички ва

ташқи кўринишларини, мавжуд синф хоналарини, болалар майдончаларини тартибга келтириш ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, кунга кеча туманда «Яхшидан боғ қолур» шиори остида юкори синф ўқувчилари ўртасида марафон ўтказилди. Бунда ҳар бир синф ўқувчилари ўзлари олиб келган мевали дарахтларни мактаб маъмурияти томонидан ажратилган ер майдонига ота-оналари, бобо бувилари билан биргаликда экидилар.

Кувонарли томони шундаки, бундай тадбирлар шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам қизгин давом этмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
Козим Ўлмасов олган суратлар



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 2 апрель кунга соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд қарорларни ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳар, 2-туманида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 м.кв., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 га бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 м.кв. ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автостанция, 4 автомашинага мўлжалланган автоювчи шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзукўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 м.кв., фойдалани майдони 2892,3 м.кв., ўн бешта бинадан иборат «Ишлаб чиқариш ҳудуди» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли қўчаси, 5А-уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 м.кв., фойдалани майдони 1782,2 м.кв., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган «Чойхона» (Сабо тўйхона) биноси. Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шохқўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 м.кв., уч қаватли бино биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган «Маиший хизмат кўрсатиш» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 м.кв., қурилиш ости майдони 1121,4 м.кв., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 м.кв., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатидан кўрсатилган жами 201,29 м.кв. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устакхона, иккита бостирма бузиб ташланган «Автосарой» бино иншоотлари. Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.

6. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 м.кв., қурилиш ости майдони 730,4 м.кв., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала ҳовли. Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 м.кв., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган «Сартарошхона ва дўкан» (офис) биноси. Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм.

II. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 255 151 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 253 586 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонада жойлашган, умумий май-

дони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонада жойлашган, умумий майдони 241,81 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй. Бошланғич нархи — 527 113 000 сўм.

8. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонада жойлашган, умумий майдони 239,4 м.кв. бўлган, 6/5-6/7 хонали уй. Бошланғич нархи — 521 859 000 сўм.

9. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.

10. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 259 150 000 сўм.

11. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонада жойлашган, умумий майдони 118,21 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.

13. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 257 747 000 сўм.

14. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонада жойлашган, умумий майдони 118,94 м.кв. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй. Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.

III. 2013 йил 9 апрель кунга соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк савдога қўйилган:

1. Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 2009 йил 4 ноябрдаги 57/09-2009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15-дахаси, 3/4-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 51,79 м.кв., умумий фойдаланиш майдони 31,83 м.кв. бўлган 2 хонали уй-жой. Бошланғич нархи — 56 413 591 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 9 апрель кунга аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 24 апрель кунга соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунга (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖ нинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўплашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги қўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtgroup.uz. Лицензия: № RR-0017.

Тошкент минтақавий темир йўл узели бўйича нархлар (тарифлар) ДЕКЛАРАЦИЯСИ (ТАСДИҚЛАШ) № ТБ-02-2013

2013 й. 26 февралдан кучга киритилган

Номланиши ва қисқача техник тавсифи	Модель тури, маркаси, артикули ёки номери	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун низоҳавий нарх (тариф, рентабеллиги, устама) (сўмда, ҚҚС сиз)	Декларация қилинган нарх (нархларни тартибга солиш органлари томонидан тасдиқланган)
Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва транспортировка қилиш				
— аҳоли Тошкент ш.		м³	40,00	103,00
Тошкент вилояти Ангрен тумани		м³	83,00	241,00
Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ тумани		м³	120,00	154,00
Тошкент вилояти Чиноз тумани		м³	82,00	165,00
Тошкент вилояти Янгийўл тумани		м³	60,00	165,00
— бошқалар хўж.субъектлари		м³		
Тошкент ш.		м³	40,00	205,00
Тошкент вилояти Оҳангарон тумани		м³	250,00	904,00
Тошкент вилояти Янгийўл тумани		м³	369,60	690,00

Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Хирмонтепа 1-тор қўчаси, 30-уйнинг Наби Наилла Махмудовнага тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	Тошкент Давлат юридик институти томонидан 1990 йил 6 июлда Мирзаев Бекназар Юсупович номига берилган УВ-№ 070951 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 46-уй, 18-хонадонда яшовчи Хожиева Нигора Расуловнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
---	--	--

Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Хирмонтепа 1-тор қўчаси, 32-уйда яшовчи Наби Наилла Махмудовнага тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан юридик шахс «Rudomaxho'lovchiyuktrans» МЧЖ номига берилган реестр рақами 10020201010059 бўлган, 2008 йил 12.09 да рўйхатдан ўтган Бектемир тумани, Сувсоз мавзеси, 49А-уйда жойлашган «Пивохона павильони» биносининг ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тадбирлар

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Балли, қизлар» кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбир давомида олийгоҳнинг фаол қизлари таништирув, савол-жавоб, салат тайёрлаш, соч турмаклаш ва эркин мавзу шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур танловдан кўзланган мақсад, талаба-қизларимизнинг турли йўналишлардаги иқтидорини юзага чиқариш билан бир қаторда уларни келгуси ҳаётга тайёрлашдан иборатдир, — деди танловнинг ҳакамлар ҳайъати раиси, таниқли шоира Қутлибека Раҳимбоева. — Бугунги тадбирда иштирокчилар аёлларга хос гўзаллик, ибо, нафосат, ифбат, каби юксак фазилатларни намоеён этишди. Уларнинг ҳар бир чиқиши, танловга пухта тайёргарлик кўрганлиги бизга жуда манзур бўлди.

Айтиш жоизки, ҳар бир шарт ижроси жараёни ўзига хос қизгин руҳда ва эсда қоларли ўтди. Танлов натижаларига кўра, умумий 90 балл тўплаган Халқаро журналистика факультети талабаси Ҳамида Усмонова 1-ўринга лойиқ деб топилди ва танловнинг навбатдаги босқичда иштирок этиш йўлланмасини кўлга киритди. Қолган иштирокчилар ҳам турли номинациялар бўйича голиб деб топилди, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши ташаббуси билан шаҳримиздаги Болалар кутубхонасида таниқли болалар шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдурахмон Акбарнинг китобхоналар билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, болалар шоирлари Турсунбой Адашбоев, Равшан Исоков, шоир Шукур Курбон, Тошкент Давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори Сафо Матчоновлар иштирок этишиб, болалар шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, Абдурахмон Акбарнинг ўзбек болалар адабиётига қўшаётган ҳиссаси ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Тадбир иштирокчилари бўлган ёш адабиёт шинавандалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сарвар РАҲМАТОВ

Маданият

БОЙ ИЖОДИЙ МЕРОС ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Куни кеча ўзбек рақс санъатининг етук намояндalarидан бири, халқ артисти Мукаррама Турғунбоевнинг 100 йиллиги муносабати билан Ташкент вилоятида «Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий мероси ва замонавий ўзбек рақс санъати муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг масъул ходимлари, санъатшунос олимлар ва соҳа мутахассислари, ўзбек рақс усталари, ўқитувчи ва талабалар иштирок этишди.

Давра суҳбатини Миллий рақс олий мактаби ректори Ш. Тохтасимов кириш сўзи билан очаркан, беназир раққоса Мукаррама Турғунбоевнинг ибратли ҳаёти ва санъатдаги ижодий фаолияти бугунги кунда ҳам ёш авлод учун катта мактаб эканлигини, унинг рақс санъати меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлаб ўтди.

Қорақалпоғистон халқ артисти, Ўзбекистон санъат арбоби К. Сағатов «Мукаррама Турғунбоевнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида тўхталиб ўтди. Ўзбекистон халқ артистлари Қундуз Миркаримова, Иброҳим Юсупов, Маъмура Эргашева, «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари ва бош балетмейстери Қодир Мўминов ва бошқалар замонавий ўзбек хореография санъати соҳасидаги долзарб масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шохсанам УСАНОВА,
Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси



ДИПЛОМАТЛАРНИНГ ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилишида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари Э.Орипов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳа, жумладан, спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли иш-лохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан тўққизинчи бор ташкил этилган ушбу мусобақада Индонезия, Германия, АҚШ, Латвия, Туркия, Грузия, Афғонистон, Бангладеш, Россия, Украина, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларнинг элчихоналари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси ва «Лукойл» компаниясидан вакиллар ўзаро куч синашди. Мусобақа FIDE – Халқаро шахмат федерацияси қоидаларига мувофиқ Швейцария тизими бўйича ўтказилди.

Турнирда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Туркия дипломатлари иккинчи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари учинчи ўринни олди.

– Дипломатик корпус вакиллари ўртасида ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий тадбир иштирокчиларининг сони йил сайин ошиб бораётгани жуда қувонарлидир, – дейди Латвиянинг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва муктор элчиси Игорс Апокинс. – Мусобақада ким ғолиб бўлиши эмас, балки унда иштирок этиш муҳим аҳамиятга эга. Тарихи узоқ асрларга бориб тақалувчи шахмат мамлакатингизда азалдан машҳур бўлган. Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ҳам шахматни қизиқиб ўйнаган ва бу спорт турининг моҳир устаси ҳисобланган. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келатган Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман.

(ЎЗА)

Спорт янгиликлари

«БУНЁДКОР» СТАДИОНИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Ўтган йили пойтахтимизда бунёдкорлар томонидан Марказий Осиёда ягона деб тан олинган «Бунёдкор» стадиони қурилганлиги миллионлаб ўзбек футбол мухлислари қалбини қувончга тўлдирганди.

Шуниси эътиборлики, жаҳон андозаларига мос равишда барча қулайликларга эга қилиб бунёд этилган «Бунёдкор» стадиони ҳолатини кўздан кечириш мақсадида жорий йил февраль ойи бошида Осиё футбол конфедерацияси вакиллари Тошкентга келиб кетишган эди. Кунни кеча Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА томонидан «Бунёдкор» стадионининг миллий чемпионат ва халқаро мусобақаларга тайёр эканлигини тасдиқловчи хат Ўзбекистон футбол федерациясига келганлиги маълум қилинди. Унга кўра Ўзбекистон — Ливан терма жамоалари ўртасида уюштирилаётган жаҳон чемпионати саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ беллашуви «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтди. Ушбу баҳсни сингапурлик Абдулмалик Абдулбашир бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Жорий йилги футбол мавсумига жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида Туркияда ўқув-йигин машғулоти уюштирган мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон Кубоги соҳибига «Бунёдкор» жамоалари аъзолари Тошкентга қайтиб келишди.

Албатта жорий йилги чемпионатда ҳам фақат олтин медаллар учун курашишга аҳд қилган пойтахтимизнинг етакчи жамоалари Туркиядаги машғулотлар доирасида бошқа клубларга қарши

назорат-ўртоқлик учрашувларида куч синашди. Украинанинг «Черноморец» жамоасига қарши майдонга тушган пахтакорчилар мурасиз, шиддатли курашларга бой кечган баҳсда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этишди. Ёш ҳужумчи Игорь Сергеев «Черноморец» дарвозасига киритилган голга муаллифлик қилди. Шунингдек, Венгриянинг «Диоспер» клуби билан ўртоқлик учрашувида омадини синаб кўрган Мурод Исмоилов шоғирдлари Хаки Махарадзе томонидан киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Энди «Пахтакор» жамоаси аъзолари Ўзбекистон XXII миллий чемпионати бошлангунга қадар ўқув-йигин машғулотларини пойтахтда давом эттиришади.

Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси аъзолари Туркиядаги машғулотлар доирасида Польшанинг «Ягеллония» клуби билан 1:1, Украинанинг «Черноморец» командаси билан 1:1 ҳисобларида дуранг ўйнашган бўлса, Беларусининг «Шахтёр» жамоасини 4:2 ҳисобида мағлуб эта олишди.

Жами ўйинларда рақиблар дарвозасига голларни Лутфулла Тўраев, Олег Зотеев, Пишур (3 та) ва Таранлар киритишди.

САНЖАР — «ЛОКОТИВ» САФИДА

Ўтган йилги мавсумнинг энг яхши футболчиси Санжар Турсунов айни кунларда пойтахтимизда ўқув-йигин машғулотида иштирок этмоқда.

Гап шундаки, ўтган йилги биринчилиқда муваффақиятли тўп суриб профессионал футбол лигасида учинчи ўринни эгаллаб, ўз тарихида биринчи марта бронза медалларига сазовор бўлган «Локомотив» жорий йилда ҳам юқоридаги марраларни забт этишга чоғланган кўринади. Чунки шу кунгача жамоага кўпгина маҳоратли футболчилар келиб қўшилди. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиларидан бири Санжар Турсуновни ҳам «Локомотив» жамоаси ўз сафига қабул қилиб олди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

Республика Киночилар уйида 2012 йилда давлат ва нодавлат киностудияларда тайёрланган фильмлар намоёйиши бошланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини янада раванг топтириш, ёшларни зугули ва бунёдкорликка даъват этувчи экран асарларини яратишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда мамлакатимизда турли жанрлардаги саксонга яқин фильм яратилди. Уларда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу ишлар, ватанпарварлик, ҳалоллик, одамийлик сингари ғоялар ўз ифодасини топган.

Ўтган йили таникли ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида режиссёр Аюб Шаҳобиддинов томонидан яратилган «Паризод» фильми Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган «Киношок – 2012» халқаро фестивалида Гран-прига лойиқ топилди. Бир қатор

бадий, анимацион фильмлар турли халқаро фестивал ва кинофорумларда муваффақиятли намоёйиш этилди.

«Ватанга хизмат – муқаддас бурч», «Ўзбекистон – бағрикенг дийёр», «Тарбия мактаби», «Оила – ҳаёт абадийлиги тимсоли» каби кўплаб ҳужжатли фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Жорий йилнинг 15 март кунини бўлиб ўтадиган ижодий конференция олдидан ташкил этилган мазкур намоёйишда танқидчилар, киношунослар, ёзувчилар, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, кинотомухлислар иштирок этиш имкониятига эга.

Н.УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири

Кўргазмалар

БАҲОР ВА АЁЛ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият қарвон саройида расом Анна Горобцованинг «Баҳор ва аёл» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий ижодкорлар уюшмаси, Халқаро маданият қарвон саройи ушбу кўргазманинг ташкилотчилари бўлишди.

Анна Горобцова — 1953 йили Кабардин-Болқарияда туғилган. Filler Carant ўқув марказида «Мин Хава» қадимий Корея расомлиқ санъатини ўрганди. Бу санъатнинг ўзига хослиги, шунингдек, гуруҳ қоғозида расм чизилиб, акварелда бўлади. Ижодкор нафақат расом, балки ҳеш, эртас ва масаллар ҳам ёзади. А. Горобцованинг 2006 йили лирика ва эртаслардан иборат «Севги боғи» деб номланган китоби

нашрдан чиққан. Расом 2011 йилдан Ўзбекистон Бадий ижодкорлари уюшмасининг аъзоси.

Кўргазмага унинг 40 дан ортиқ ўзига хос усулда яратилган ишлари кўйилган. Экспозицияда баҳорий кайфият улашувчи турли-туман гуллар, шунингдек оила ва миллий қадриятлар акс этган «Оила тумори», «Орзулар ва ҳаёллар», «Ҳаёт бўсағасида» каби асарларни кўрамай. Шу билан бир-бирига сирли ва жозибдор фантастик мавзудаги «Сирли Марс», «Ой мусофири», «Ойдин кечадаги кўл», «Мулоҳаза қилиш» каби асарлари киши диққатини ўзига тортади, мулоҳазаларга қорлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейида Халқаро хотин-қизлар байрами кунини муносабати билан «Янги авлод фаришталари» деб номланган кўргазма очилди.

ЁШ ИҚТИДОРЛАРНИНГ ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Тадбирнинг очилишида ҳарбий хизматчи аёллар, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти, республика расомлик коллежи ўқитувчилари, талабалари, ўқувчилари, ижодкорлар ва бошқа турли касб эгалари қатнашдилар. Мазкур кўргазмага Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтининг ўқитувчиси, таникли ҳайкалтарош Азамат Хотамов раҳбарлик қилаётган 17 та тўғрақ қатнашчилари — талаба-қизларнинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, қўлчилик бўйича 100 га яқин ижод намуналари кўйилган. Экспозициядан ўрин олган асарлар талабаларнинг фақат ўқув жараёнида яратган ижод намуналарига бўлиб қолмасдан, балки эркин ижодий ишлари ҳамдир. Уларда юртимиз шахар ва қишлоқларининг гўзал табиати манзаралари, ширин-шакар мевалари,

турмуш тарзининг ўзига хос қирралари, миллий қадриятларимиз акс этган.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан музей директори Ирина Ки-наренко, Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти-нинг проректори Дилфуза Нарзуллаева ва бошқалар ижодкор ёшларнинг, улар яратган асарларнинг жамият ҳаётидаги, турмушимизни обод қилишдаги, оилани мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Кўргазмага асарлари қўйилган ёш ижодкорларга факхрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди. Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда «Кристалл» болалар рақс жамоасининг ди-литор-тар қўшиқ ва рақслари тадбир қатнашчиларига кўтаринки руҳ бағиш-лади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Оз-оз ўрганиб домо бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўнглинг кенг бўлмаса, дунё ғаму ташвишларини енгиб ўтолмайсан.

Кераксиз иш билан банд киши керакли иш қилолмайди.

Бировларнинг вақти билан ҳисоблашмаслик ҳам худбинлик.

Ўзи бўлолмаган бошқанинг ҳам бўлишини хохламайди.

Меҳнат қилган чайир бўлади, ўзини асраган мўрт.

Режа билан ишлаган ютади.

Инсон асаби метин эмас.

Қаттиқчилик кўрмай киши пишмайди.

Гап-сўзлар кишини фақат чалғитади.

Ношуқурнинг тили нолишдан бўшамайди.

Худбин бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

Орзу-ҳаваси, интилиши бўлмаган кишининг кўзида ўт бўлмайди.

Ҳаракати йўқнинг баракати йўқ.

Чопган ким у топган ким?

Шошилган тез сафдан чиқади.

Вақтга ачинмаган киши нодондир.

Аслида бахтингни ҳам, тахтингни ҳам ўзинг яратасан — бошқалар воситачи бўлади, холос.

Ким бошлайди, ким давом эттиради, ким якунлайди.

Ўзинг меҳнат қилиб бир нарсанга эришмасанг, бошқалардан ёрдам кутасан.

Ҳамма ўзига аталган ҳаётни яшаб ўтади.

Арзимас бир қарор билан бировнинг тақдирини ҳал қилиш мумкин.

Ҳақиқат қиёсда, саховат ниёзда билинади.

Яхшилик ҳам қайтади, ёмонлик ҳам.

Ишинг ҳамиша ҳам ўзинг хоҳлагандай бўлавермайди.

Бир кунинг беҳуда ўтса, иккинчи кунини ҳиссасини чиқариб олишга ҳаракат қил.

Ёлғизнинг иши унмас.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кечаси ва кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 7 мартда Тошкент шаҳрида 7 март хаво ўзгариб туради, ҳар хаво муҳитида зарарли ёғингарчилик (ёмғир ёғиб, моддаларнинг бир оз тарқалиб қорға айланади) бўлади. Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда, вақти-вақти билан қу-чайган ҳолда 12-17 метр тез-ликда шамол эсади. Ҳарорат тағйирланиши тахмин қилинмоқда, тағйирланиши тахмин қилинмоқда.

Тошкент оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзбекистон: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 14221 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нашр учун масъул Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00

1 2 3 5